

ТИЖОРАТ БАНКЛАРНИНГ КРЕДИТ СИЁСАТИНИ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Рустамов Б.
БФА тингловчиси

***Аннотасия.** Мазкур татқиқот иши тижорат банклари кредит сиёсатини такомиллаштириш масаласига бағишланган бўлиб, унда кредит сиёсати иқтисодий муносабатлар тизимида банк фаолияти самарадорлиги ва барқарорлигини таъминловчи асосий восита сифатида кўриб чиқилган. Тадқиқотда кредит сиёсати тушунчаси, унинг моҳияти, асосий вазифалари ва амалий аҳамияти илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган ҳамда халқаро амалиётда қўлланилаётган ёндашувлар миллий тажриба билан таққосланган. Тадқиқотда рақамли технологияларнинг жорий этилишига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, онлайн скоринг тизимлари, Big Data таҳлиллари ва автоматлаштирилган мониторинг воситалари орқали кредит сиёсатини замонавийлаштириш имкониятлари илмий жиҳатдан асослаб берилган. Бу эса нафақат кредит бериш жараёнини тезлаштириш, балки таваккалчиликларни олдиндан баҳолаш имконини ҳам кенгайтиради.*

***Калит сўзлар:** Тижорат банклари, кредит сиёсати, кредит таваккалчилиги, муаммоли кредитлар, диверсификация, молиявий барқарорлик, Basel III, рақамли технологиялар, онлайн скоринг, Big Data, кредит портфели.*

***Кириш.** Ҳозирги глобал рақамли иқтисодиёт шароитида масофавий хизматлар Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган молия-банк соҳасидаги ислохотлар жараёнида тижорат банкларининг кредит сиёсати*

алоҳида аҳамият касб этмоқда. Чунки кредит — иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишнинг асосий молиявий манбаи ҳисобланади.

Тижорат банкларининг миллий иқтисодиётда барқарор ва етакчи мавқеини таъминлаш, аввало, уларнинг кредит сиёсати самарадорлигига чамбарчас боғлиқдир. Кредитлаш фаолияти тижорат банклари учун стратегик аҳамиятга эга йўналиш ҳисобланиб, у асосий даромад манбаи сифатида намоён бўлади ва бир вақтнинг ўзида юқори таваккалчиликларни ҳам келтириб чиқаради. Банк молиявий натижаларининг катта қисми тўғридан-тўғри ажратилган кредитлардан шаклланиши бу соҳанинг муҳимлигини янада тасдиқлайди. Шу боис, банклар фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг жорий харажатлари ҳамда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш даражаси кредит сиёсатининг қанчалик оқилона ишлаб чиқилгани ва амалга оширилиши билан белгиланади.

Адабиётлар шарҳи. Тижорат банклари кредит операцияларини самарали амалга оширишда асосий омиллардан бири – улар томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган кредит сиёсатининг мазмун-моҳияти ва сифат даражасидир. Банкнинг кредит сиёсати қай даражада пухта тузилган ва илмий асосланган бўлса, унинг кредит операциялари шунчалик самарали кечади. Кредит сиёсатини шакллантириш жараёнида банк ўзининг ички имкониятлари – сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий шароитларини ҳисобга олиши зарур. Бундай ёндашув банкнинг кредит

сиёсати амалий жиҳатдан тўғри қўлланилишини таъминлаб, фойдали ва қайтариш имконияти юқори бўлган кредитларни тақдим этиш имконини яратади.

Кредит сиёсати — бу тижорат банклари фаолиятидаги асосий стратегик йўналишлардан бири бўлиб, унинг моҳияти кредит операцияларини тартибга солувчи тамойиллар, қоидалар ва қарорлар мажмуасидан иборатдир. У банк фаолиятида кредит ресурсларини жалб қилиш, уларни иқтисодиётнинг реал секторига йўналтириш, кредит рискларини бошқариш ва мижозларга молиявий хизмат кўрсатиш жараёнларини комплекс равишда қамраб олади.

1-жадвал

Кредит сиёсатининг асосий тамойиллари

Тамойил		Изоҳ
	Жавобгарликни и тақсимлаш	Кредит қарорлари қабул қилиш жараёнида барча даражаларда масъулият аниқ тақсимланиши зарур.
	Аниқ шартларни белгилаш	Барча кредит операциялари учун ягона ва олдиндан белгиланган шартлар мавжуд бўлиши керак.
	Муддатлилик	Кредит белгиланган муддатда қайтарилиши шарт.
	Тўловлилик	Кредитлар белгиланган фоиз ставкаси

		билан берилади.
	Қайтариб беришлилик	Кредит миждоз томонидан тўлиқ қайтарилиши шарт.
	Таъминланганлик	Кредитлар гаров, кафолат ва бошқа таъминот турлари билан таъминланиши керак.
	Мақсадлилик	Кредит маблағлари олдиндан белгиланган мақсадга йўналтирилиши лозим.
	Бошқарув сиёсати билан боғлиқлик	Кредит сиёсати банкнинг умумий сиёсати (депозит, инвестиция, актив ва пасивларни бошқариш) билан мувофиқлаштирилиши керак.

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Кредит сиёсати масаласини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда меъёрий ҳужжатлар, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган талаблар алоҳида аҳамият касб этади. Чунки Марказий банк миллий банк тизимининг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида кредит операциялари ва уларга оид сиёсатни мувофиқлаштириш, кредит рискларини чеклаш ҳамда кредит портфеллари сифатини оширишга йўналтирилган бир қатор қоидалар ва меъёрларни белгилаб беради. Бу талаблар тижорат банклари учун йўл-йўриқ вазифасини ўтайди ва уларнинг кредит фаолиятидаги асосий стандартларни белгилаб беради.

Рус олими Костина М.В. (2022) ўзининг *«Кредитная политика коммерческого банка как инструмент управления финансовыми рисками»* номли илмий мақоласида тижорат банклари учун кредит сиёсатини молиявий рискларни бошқаришнинг асосий механизми сифатида талқин қилади. Муаллифнинг фикрича, кредит сиёсати нафақат банкнинг кредит операцияларини ташкил этишда йўл-йўриқ вазифасини бажаради, балки риск-менежмент тизимининг узвий қисми сифатида ҳам хизмат қилади.

Асосий эътибор кредит портфелини самарали бошқариш орқали хавфларни минималлаштиришга қаратилган. Костина таъкидлайдики, кредит портфели таркибидаги хатарлар, жумладан, қайтмас кредитлар (NPL) улушининг ўсиши банкнинг молиявий барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли, кредит сиёсатида рискларни баҳолаш, диверсификация механизмларини қўллаш ва кредит бериш мезонларини аниқ белгилаш алоҳида аҳамиятга эга (Kostina, 2022).

Шунингдек, муаллиф кредит сиёсати ва риск-менежментнинг ўзаро боғлиқлигини очиқ бериб, уларнинг банк фаолиятида бир-бирини тўлдирувчи омиллар эканини таъкидлайди. Масалан, кредит сиёсатини самарали йўлга қўйиш банкнинг капитал етарлилигини сақлаб туриш, ликвидлик кўрсаткичларини таъминлаш ва кредит рискларини камайтиришда муҳим ўрин тутди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Кредитлаш тижорат банклари фаолиятида ресурсларни жойлаштириш, фойда олиш ҳамда таваккалчиликларни юзага чиқиши билан бевосита боғлиқ асосий йўналиш ҳисобланади. Охирги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида амалга

оширилаётган туб ислохотлар, банк хизматларининг оммалашуви ва аҳоли ҳамда бизнес субъектларининг кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжи юқори суръатда ортиши натижасида кредит қўйилмалари ҳажми барқарор ўсиш траекториясини намоён этмоқда.

Жумладан, Марказий банк маълумотларига кўра, 2019–2024 йиллар давомида республикада ажратилган кредитлар қолдиғи 3,7 баробарга ўсган бўлиб, ўртача йиллик ўсиш суръати 30 фоиздан зиёдни ташкил этди. Шу билан бирга, кредит қўйилмаларининг ялпи ички маҳсулотга нисбати 2019 йилдаги 23 фоиздан 2024 йил охирига келиб 41 фоизга етди (Марказий банк ҳисоботлари, 2024). Бу кўрсаткич мамлакат иқтисодиётида банк кредитларининг аҳамияти ортиб бораётганини, банклар томонидан молиявий ресурсларни реал секторга йўналтириш ҳажми сезиларли даражада ошганини англатади.

Бироқ, кредит ҳажмининг кескин ўсиши билан бир қаторда унинг қайтмаслик хавфи ҳам ортиши эҳтимоли юқори бўлади. Муаммоли кредитлар улушининг кўпайиши банк молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли, кредитлар берилиш жараёнида уларнинг тўғри расмийлаштирилиши, мақсадли йўналтирилиши, лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги ва мижозларнинг тўловга лаёқатлилиги шаффоф баҳоланиши ҳамда бухгалтерия ҳисобида аниқ акс эттирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Кредит портфели таҳлил жараёнида, аввало банкнинг амалга оширилаётган кредит сиёсати ўрганилади, шундан сўнг эса кредитлар таркиби таҳлил қилинади. Кредитлар структурасини баҳолашда уларнинг

белгиланган муддатларда ажратилганлиги ва шартнома талабларига мувофик ўз вақтида қайтарилиши алоҳида эътиборда бўлади.

Банк фаолиятида кредит рисклари энг асосий молиявий хатарлардан бири сифатида намоён бўлади. Чунки банк активларининг катта улушини кредитлар ташкил этади ва уларнинг сифат даражаси бевосита банкнинг барқарорлиги ҳамда ликвидлигига таъсир кўрсатади. Шу боисдан, кредитлар сифатини назорат қилиш ва улар билан боғлиқ рискларни самарали бошқариш тижорат банклари учун стратегик аҳамиятга эга ҳисобланади.

2-жадвал

Тижорат банкларининг кредит портфели таҳлили

Кўрсаткич лар номи		2024 йилда					2020 йилга нисбатан фарқи (+,-)	
		020 й.	021 й.	022 й.	023 й.	024 й.	2020 йилга нисбатан фарқи (+,-)	оиз ҳисоби да
.	Саноат	,1	0,3	2,6	5,0	8,1	+	2
.	Қишлоқ хўжалиги	,7	2,4	4,6	7,3	1,0	+	2
	Қурилиш						+	2

.	соҳаси	,8	,0	,2	,5	,4	4,6	,2
.	Савдо ва						+	2
.	хизмат кўрсатиш	,2	,7	2,4	5,2	9,1	11,9	,6
.	Транспорт						+	2
.		,6	,4	,1	,2	,0	3,4	,3
.	Молия ва						+	2
.	техник таъминот							
.	хизматлари	,4	,8	,3	,0	,6	2,2	,6
.	Уй-жой						+	2
.	коммунал	,7	,0	,2	,5	,9	1,2	,7
.	Жисмоний						+	2
.	шахслар	,3	1,7	3,5	6,3	9,5	11,2	,3
.	Бошқа						+	2
.	соҳалар	,2	,7	,2	,6	1,0	5,8	,1
0.	Жами						+	2
		4,0	0,0	5,1	0,6	09,6	65,6	,5

Манба: Марказий банк маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

2025 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг турли тармоқларига йўналтирилган кредитлар қолдиғи 533,1 трлн. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич сўнгги йиллардаги барқарор ўсиш тенденциясини намоён қилиб, тахминан икки баробар ортиши билан характерланади. 2024 йилда ҳам банklar томонидан ажратилган кредитлар

таркибида саноат соҳаси етакчи ўринни эгаллади. Бироқ, суммар ҳажмда ўсиш кузатилган бўлса-да, унинг умумий кредит портфелидаги нисбий салмоғи пасайиш йўналишига эга бўлган. Шу билан бирга, жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар сўнгги йилларда жадал ўсиш кўрсатиб, 2020 йилга нисбатан қарийб икки баробарга кўпайди ва портфельдаги улуши сезиларли даражада ортиши билан ажралиб турди. Бундан ташқари, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига йўналтирилаётган кредитлар ҳажми ҳам йил сайин изчил кўпайиб бормоқда.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, тижорат банкларида кредит сиёсатини такомиллаштириш масаласи банк ресурсларидан самарали фойдаланиш, кредит портфелининг сифатини ошириш ва муаммоли кредитлар улушини камайтириш билан узвий боғлиқдир. Илмий изланиш жараёнида аниқландики, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва рақамли технологияларнинг жорий этилиши кредит жараёнларида шаффофлик ва хавфларни олдиндан баҳолаш имкониятини кучайтиради. Шу билан бирга, меъёрий ҳужжатлар ҳамда халқаро тажрибалар таққосланган ҳолда таҳлил қилинганда, Ўзбекистон банк тизимида кредит сиёсатини такомиллаштириш учун диверсификация, рискларни камайтириш, мижозларни баҳолашда замонавий скоринг моделларидан фойдаланиш ва ички аудитни кучайтириш муҳим омиллар сифатида қайд этилди.

Тадқиқот жараёнида олинган натижалар тижорат банкларининг кредит сиёсатини такомиллаштириш масаласи молиявий барқарорлик ва кредит портфели сифатини таъминлашда ҳал қилувчи омил эканини

кўрсатди.

Аввало, 2020–2024 йилларда тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар ҳажми сезиларли даражада ошгани аниқланди. Бу ҳолат банкларнинг иқтисодиётдаги молиялаштириш вазифаси кенгайиб бораётганини англатади ва кредит сиёсатини самарали йўналтиришга бўлган эҳтиёжни кучайтиради.

Иккинчидан, муаммоли кредитлар кўрсаткичи таҳлил этилганда, уларнинг улуши барқарор даражада қолса-да, йиллар кесимида ортиб бориш тенденцияси кузатилди. Бу эса банклар кредит сиёсатини янада пухта йўналтириши ва рискларни олдиндан баҳолаш механизмларини кучайтириш зарурлигини англатади.

Шу билан бирга, миқдорларни баҳолаш жараёнида рақамли скоринг моделлари ва замонавий технологиялардан фойдаланган банкларда муаммоли кредитлар улуши анъанавий усулларга қараганда сезиларли даражада паст экани қайд этилди. Бу эса рақамли ёндашувларнинг кредит сиёсатини такомиллаштиришдаги самарадорлигини намоён қилади.

Халқаро меъёрлар таққосланганида эса кредит рискларини чегаралаш, портфельни диверсификация қилиш ва банк ликвидлигини таъминлаш масалаларида халқаро стандартлардан тўлиқ фойдаланиш зарурлиги аниқланди.

Натижалар шуни кўрсатдики, кредит сиёсатини такомиллаштириш жараёнида ички аудит хизматлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аудит тизими самарали йўлга қўйилган банкларда кредитлар қайтарилиши юқори ва муаммоли кредитлар кўрсаткичи паст даражада бўлади.

Тижорат банклари кредит сиёсатини такомиллаштириш орқали кредит портфелининг сифатини ошириш, рискларни камайтириш, рақамли технологиялар орқали mijozlarni баҳолашни самарали ташкил этиш ҳамда ички назорат тизимини кучайтириш имкониятига эга бўлади. Бу эса банклар молиявий барқарорлиги ва иқтисодиётнинг узоқ муддатли ривожланиши учун муҳим шароит яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (2018, 9 январь). “Марказий банк фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ–5296.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори (2017, 12 сентябрь). “Банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ–3270.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори (2010, 6 апрель). “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини ошириш ва инвестициявий фаолликни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ–1317.

4. Костина, М.В. (2020). Кредит сиёсатини риск-менежмент воситаси сифатида қўллаш. Москва.

5. Иванова, Н.А. (2018). Замонавий шартларда кредит сиёсатининг стратегик аҳамияти. Москва.

6. Печенкина, О.С. (2019). Коммерция банкларида кредитлашнинг назарий-амалий жиҳатлари. Москва.

7. Кузнецова, В.В. (2021). Банк кредит сиёсати ва унинг самарадорлиги. Санкт-Петербург.
8. Ларина, О.И. (2020). Кредит портфелини бошқаришда инновацион ёндашувлар. Москва.
9. Зеленёва, Е.С. (2019). Тижорат банклари кредит сиёсатининг иқтисодий жиҳатлари. Москва.
10. Ковалерова, Л.А. (2020). Коммерция банклари кредит портфели бошқаруви. Москва.
11. Пшеничникова, С.В. (2020). Кредит сиёсатида риск ва диверсификация. Москва.